
“Ўзбеккўмир” АЖ матбуот хизмати аҳолига сотилаётган кўмирнинг нархи ҳақида баёнот берди

“Ўзбеккўмир” АЖ матбуот хизмати аҳолига сотилаётган кўмирнинг нархи бўйича [баёнот берди.](#)

Баёнотда жумладан шундай дейилган:

Ижтимоий тармоқларда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти “Темирйўленилғитаъмин” бошқармасининг “Самарқанд бирлашган ёнилғи омбор хўжалиги”га қарашли “Қўролос” кўмир омборида кўмир икки баравар қиммат нархда сотилаётгани ҳақида хабар тарқалди. Ушбу нархлар Қозоғистондан келтирилаётган кўмирга тегишли бўлиб, хар килограммига 650 сўм ўрнига 1200 сўмдан олинаётгани айтилмоқда.

Хозирги куз-қиш мавсумида энергия ресурлари, шу жумладан кўмир ёқилғисига талаб ортган. Тайёр кўмир маҳсулоти захираси эса чекланган. Шунга қарамай, республикамиз аҳолисига “Ўзбеккўмир” АЖ корхоналарида қазиб олинаётган кўмир арзонлаштирилган тарзда етказиб берилмоқда. Молия вазирлиги томонидан 1 (бир) тонна кўмир нархи 300 300 сўм миқдорида тасдиқланган бўлиб, Республикамиздаги барча кўмир омборларида ана шу ўрнатилган нархларда сотилиши таъминланиши зарур.

Шунингдек, матбуот хизмати “Ўзбеккўмир” АЖ кўмир қазиб олиши ва тайёр маҳсулотни шартнома асосида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга қарашли “Темирйўленилғитаъмин” бошқармасининг республикамиздаги олтита бирлашган ёқилғи омбор хўжаликларига юклаб юборишини, кўмир мазкур ёқилғи омбор хўжаликларининг вилоятлардаги 90 дан ортиқ кўмир омборлари орқали ўрнатилган нархда сотилишини эслатиб ўтган.

Фото: uzbekcoal.uz

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати
2019-11-27 22:03:20